



БИЗНЕСИНИ РАКАМЛАШТИРИШДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Садикова Шахло Абдумажидовна
Банк-молия академияси магистранти

Валюта курси валюта тизимининг марказий элементи бўлиб, бир пул бирлиги баҳосининг бошқа пул бирлигида ифодаланишини билдиради. Валюта курсининг юзага келиши объектив ҳол бўлиб, унинг асоси мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ётади. Валюта курси аввало товарлар, хизматлар савдосида, капиталлар, кредит ҳаракатида валюталарни ўзаро айирбошлаш учун хизмат қилиб, миллий ва жаҳон бозорини боғлаб турувчи ўзига хос инструментдир. Валюта курси ёрдамида хўжалик юритиш субъекти ўзининг ҳаражатларини жаҳон нархлари билан солиштириш имконига эга бўлади, бу эса ўз навбатида алоҳида олинган корхона, ҳаттоки мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолият натижаларини аниқлашга ёрдам беради. Валюта курси экспорт ва импорт нархлар нисбати, хўжалик юритиш субъектларининг рақобатбардошлиги, мамлакатларнинг ривожланиш истикболларига таъсир этади. Валюта курсининг кескин ўзгариши халқаро иқтисодий, хусусан валюта-кредит ва молиявий муносабатларнинг барқарорлигига путур етказиб, салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келса, унинг барқарор ҳолати мамлакатни ривожланишида муҳим рол уйнаши мумкин. Ундан ташқари валюта курси ёрдамида иқтисодиётда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш ҳам мумкин. Валюта курси мамлакатлар, миллий импортчилар ва экспортчилар ўртасидаги кураш объекти бўлиб, мамлакатлараро келишмовчиликлар манбасидир. Валюта курсининг бу қадар зиддиятли ва кенг мазмун касб этиши иқтисодий фанда унга бўлган қизиқишни кескин ортишига олиб келди. Натижада иқтисодий фанда валюта курси ҳақида ҳилма-хил назариялар вужудга келди.

Валюта курси ҳақидаги назариялар 2 та функцияни бажаради:

- 1) Мафкуравий – асосан бозор иқтисодиётини ҳаётийлигини исботлаш;
- 2) Амалий – валюта курсини тартибга солиш методларини ишлаб чиқишдир.

Ҳозирги кунгача мавжуд бўлган валюта курси ҳақидаги назариялар қўйидаги хусусиятларга эга:

- Қийматнинг назариясини, валюта курсини қийматли асосини, унинг товарли хоссасини инкор этиш;
- Алмашув концепциясига ўрин етакчи ўрин берилиши;
- Миқдорийлик ва номиналлик назарияларни халқаро мувозанат назариялари билан бирлаштирилишидир.

Умуман олганда юқорида келтирилган хусусиятларни ҳар бирини кескин равишда танқид остига олиш мумкин. Масалан пулнинг товарли хоссасини инкор этиш мантиққа тўғри келмайди.



Чунки товар-пул муносабатларининг эволюцияси пулнинг махсус товарлар эканлигини, унинг алохида такрорланмас хусусиятлари учун товарлар ичидан келиб чиқишини кўрсатиб беради. Ундан ташқари валюта курсини талқин этишда қийматнинг меҳнат назариясини инкор этиш таҳлилнинг соф монетар ҳолга, бу эса ўз навбатида бир томонлама таҳлилга олиб келади. Қўшимча тариқасида шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар ҳолда қийматнинг меҳнат назарияси классик олимларининг маҳсулидир.

Алмашув концепциясига етакчи ўрин берилиши ҳам бир томонлама ёндашувга олиб келади. Чунки бунда муомала соҳасига такрор ишлаб чиқаришнинг бошқа бўғинларига нисбатан «монопол» ўрин берилиб, валюта курсини ўзгаришига таъсир этувчи такрор ишлаб чиқаришнинг фундаментал иқтисодий жараёнлари таҳлилдан четда қолади. Валюта курси амал қилиши кўп омилли жараён экан, уни тадқиқ қилишда такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинига батафсил тўхталиб ўтиш зарурдир.

Ҳозирги давр иқтисодий жараёнларнинг ўта мураккаб тавсифга эгаллиги, иқтисодиётни амал қилишида бозор ва давлат дастакларининг турли хил нисбатга эгаллиги, халқаро компонентлар ролининг кучайганлиги валюта курсини ифодалашда тизимли ёндашувни тақозо этди. Ҳозирги даврда миқдорийлик ва номиналлик назарияларни халқаро мувозанат назариялари билан бирлаштирган ҳолда валюта курсини тадқиқ қилиш валюта курсининг табиатини айрим жиҳатларини очиб бера олади ҳолос. Масалан номиналлик назарияси валюта курсининг қиймат асосидан маҳрумлиги, валюта паритети эса давлат томонидан давлатнинг сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини таъкидлайди. Номиналлик назариясига биноан валюта курси қўйидаги тартибда аниқланади: валюталарнинг сотиб олиш қобилияти нархлар орқали аниқланади; нархлар муомаладаги пуллар миқдorigа боғлиқ; муомаладаги пуллар эса монетар идора (масалан Марказий банк) томонидан белгиланади. Пулнинг давлат назарияси отаси бўлмиш немис олими Г.Кнапп валюта курсини давлатнинг маҳсули деб ҳисоблаб, валюта курсини қиймат асосини инкор этган. Умуман олганда валюта курсини тадқиқ этишда субъектив ёндашиш, иқтисодий категорияларни моҳиятини юридик нуқтаи назардан ифодалаш ҳато хулосаларга олиб келади. Ундан ташқари бозор иқтисодиётининг «фиасколари», иқтисодиётнинг ижтимоийлашуви, давлатнинг ислохотчилик ролини кучайиши валюта курсини талқин этишда халқаро мувозанат назарияларини ҳам етарли эмаслигини кўрсатиб беради. Валюта курсини мазмунини очиб берувчи бир неча назария мавжуд. Тарихан валюта курси ҳақидаги назарияларнинг ичида қуйидаги назариялар етакчи ҳисобланади. Улар:

- «Сотиб олиш қобилияти паритети» назарияси;
- «Тартибга солинадиган валюта» назарияси;
- «Муҳим валюталар» назарияси.